УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 21 ИЮН 1984
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 134 (5425).
15 ИЮНЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари—амалда!

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ўз ишини ниҳоясига етказди. Коммунистик қурилишнинг муҳим шарти —янги инсонни шакллантириш проблемалари Пленумнинг диққат марказида бўлди. Пленум қарорлари бутун мамлакатимиз кўп миллионли коммунистлари қатори Тошкент шаҳар партия ташкилотига ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга қудратли омил бахш этди.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

У. У. УМАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

БУНДАН бир йил муқаддам КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. У Коммунистик партия ва Совет давлатининг ҳаётида ғоят катта ғоявий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа, социал тараққиёт йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Пленумда жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи ҳар томонлама таҳлил этилди ва келажакнинг ойдин йўллари белгиланди, муваффақиятлар таъкидлаб ўтилди ва идеология ишида.ги камчиликлар партиявий қатъият билан кўриб чиқилди. У ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Ўртоқ К. У. Черненко қилган докладда, Пленум материаллари ва қарорида шу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилдики, жамиятимиз граждан.ларининг онгини шакл.лантириш фақат идеологлар, пропагандистлар, оммавий ахборот воситалари ходим.ларининггина иши бўлиб қолмай, балки бутун партия иши, ҳар бир коммунистнинг ишидир. Хўжалик, ташкилий масалалар нечоғлик муҳим бўлмасин, идеология иши тобора биринчи ўринга чиқмоқда.

Шу билан бирга Пленумнинг кўрсатмалари идеологик, тарбиявий соҳалар доирасидан кенгроқ масалаларни қамраб олади. Улар мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал тараққиётига янги куч бағишлади.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш бўйича олиб борилган ишларнинг бир йиллиги шуни кўрсатадики, Ленин партияси XXVI съезд кўрсатмаларига амал қилиб, совет кишиси тўғрисида, унинг моддий фаровонлиги, маънавий камолоти тўғрисида, ер юзида тинчликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг диққат марказида тутмоқда.

Партия ва халқ бугунги кунда мисли сиз кенг миқёсдаги вазифаларни ҳал этмоқда. Йирик комплексли социал иқтисодий программа, шу жумладан Озиқ-овқат ва энергетика программалари амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш интенсивлашиб бормоқда, илмий-техника тараққиёти тезлашяпти. Улкан регионларнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Ҳозир экономикамиз, фан ва маданиятимиз жуда катта имкониятларидан, табиий ресурсларимиздан иложи борича тўлароқ ва самараролоқ фойдаланиш учун қатъий кураш олиб борилаяпти. Табиийки, идеология иши ана шу вазифаларга мувофиқ бўлмоғи лозимдир.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, кейинги вақтларда партия комитетлари, идеология муассасалари оммавий ахборот ва пропаганда воси.талари омма ўртасида сиёсий-тарбиявий иш савиясини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, уни кишиларнинг манфаатлари ва эҳти.ёжларига яқинлаштириш борасида кўп иш қилдилар.

Пленум қарорларини амалга оширишда республика пойтахтининг партия ташкилотлари ҳам кўп иш қилишди. Коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий таълими системасини такомиллаштириш давом этмоқда. Оммавий пропаганда ва агитациянинг форма ва методлари бойиб бормоқда. Ягона сиёсий кунлар, хўжалик раҳбарларининг идеология масалалари бўйича кенгашлар, савол ва жавоблар идеология кечалари, очиқ хатлар кунлари ўтказиш анъана бўлиб қолди. Жамоат тартибини мустаҳкамлаш, жамиятга зид кўринишларга қарши кураш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш сезиларли самара берди.

Бироқ асосий иш ҳали олдинда турибди. Энг муҳими шундаки, ўртоқ К. У. Черненко Москва металлургла.ри билан учрашув чоғида таъкидлаганидек идеология соҳасидаги куч-ғайратлар марказини меҳнат коллективларига, бошланғич партия ташкилотларига кўчириш асосий вазифадир.

Шаҳар партия ташкилотида 2171 бошланғич партия ташкилоти бор. Бу катта кучдир. Улар раҳбарлигида меҳнат коллективлари меҳ.наткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий руҳда тарбиялаш бўйича планларни амалга оширмоқдалар. Ҳар бир коммунист бу ишда ўз ўрни ва ролини аниқ белгилаб олмоғи керак.

Тошкент халқ хўжалигининг барча тармоқлари меҳ.наткашлари бу йил ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Саноат ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни 6 процент оширишга аҳд қилдилар. Шаҳар қурувчилари юксак марраларни белгиладилар.

Шаҳар меҳнат коллективларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси.нинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан план ва мажбуриятларни бажариш ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа кенг тус олиб кетди. Меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари КПСС Марказий Комитети.нинг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини амалга оширмоқдалар.

Шаҳар халқ хўжалигининг шу йилнинг тўрт ойи ичидаги иш якунлари шаҳар ва район партия комитетлари.нинг пленумлари ва бюро мажлисларида кескин, партиявий қатъият руҳида муҳокама этилди.

Шаҳарда саноат маҳсулотларини реализация қилиш бўйича шу йилнинг тўрт ойлик плани 101,7 процент бажарилди, планга қўшимча 20 миллион 642 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари реализация бў.йича 104,1 процентни, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 106,8 процентни, меҳнат унумдорлиги бўйича 105,9 процентни ташкил этди.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани 101,1 процент бажарилди, ўсиш суръати 1983 йилнинг шу даврига нисбатан 102 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Шаҳар меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифаси меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтиришдир. Фақат Тошкент шаҳри бўйича бу тадбирлар планга қўшимча 38 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва салкам 17 мил.лион сўмни тежаш имконини беради.

Шу йилнинг биринчи кварталида 163 та корхона меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ўстиришни таъминлади, 128 та корхона эса маҳсулот таннархини қўшимча суратда 6 миллион 300 минг сўм камайтиришга эришди. Айни вақтда эса 23 та саноат корхонаси меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ошириш мажбуриятини уддалай олмади, 58 та корхона маҳсулот таннархини қўшимча камайтириш бўйича мажбуриятни бажара олмади.

Шартнома ва нарядлар бўйича буюмлар етказиб бериш юзасидан шу йилнинг тўрт ойлик плани бор-йўғи 98,2 процент бажарилди ёки 24 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Рақамлар шундан гувоҳлик бериб турибдики, кўп.гина корхоналар ўз ишларини сезиларли даражада яхшиладилар. Қурилиш ва транспортда ишлар жўнашиб кетди, аммо январь-апрель ойлари плани кўпчилик кўрсаткичлар бўйича умуман бажарилган бўлса-да, баъзи бирлашма ва корхоналар белгиланган планларни тўлатўкис бажаришмаяпти, барча резерв ва имкониятларни ишга солишмаяпти.

Бугунги кунда меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш масалалари партия ташкилотларининг диққат марказида турмоғи керак. Агар январь ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 7,5 процентни ташкил этган бўлса, у тўрт ойда 6,8 процентни ташкил этди. Бир қатор корхоналарда меҳнат унумдорлигини кўшимча суратда ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича муқобил план ва мажбуриятларни қабул қилишга юзаки ёндошилди.

Шаҳар партия комитети ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича эмас, балки натурал кўрсаткичлар, шартнома таъминоти бўйича буюмлар етказиб бериш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича план топшириқлари ҳам бажарилиши зарур, деган вазифани қўяди.

(Давоми 2-бетда).

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Савол: Яқинда Лондонда энг катта капиталистик давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувнинг характери ва аҳамияти, Сизнинг назарингизда, нималар билан белгиланади?

Жавоб: Етти давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви ғўё иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун чақирилган эди. Аммо у бисотчи галда сиёсат билан шуғулланди. Лондонда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам тўғридан-тўғри кўрсатиб турибди.

НАТОнинг май сессиясида бўлгани каби тинчлик ниятлари, қурол-яроғлар, шу жумладан ядро қуроллари тарқатилиши пасайтирилган манфаатдорликни эълон қилгани бир талай сўзлар яна айтилди. Яна Совет Иттифоқига қарашли мулоқот, музокаралар олиб боришга даъват қилинди. Афсуски, бу ниятлар, бу даъватлар ҳеч бир ерга ҳам бирдан мустаҳкамланмади. Нега шундай бўлади?

Бунинг битта сабаби юзага келгани ҳақида Америка матбуоти тинимсиз ёзиб ғувлади. У ҳам бўлса АҚШдаги президент сайловлари билан боғлиқ бўлган мулоҳазалардир.

Бирмунча чуқурроқ сабаб ҳам борлиги аниқки, етти давлат раҳбарлари кенгашининг қатнашчилари кескинликни пасайтириш, қуролсизланиш ва тинчлик манфаатларига оид бўлган йўл-йўриқларга қўл қўйишлари керак эди. Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларнинг территорияси Америка ядро ракеталари ўрнатиладиган майдончага айлантирилаётганлигини бир оғиздан қоралаб пардалаш учун ниҳоятда муҳтож бўлганликлари важидангина улар мулоқот ҳақида, музокаралар ҳақида гапиришга журъат қилолмадилар. Реал ҳаёл эса шундан иборатки, ракеталарни жойлаштириш йўли ўзгармай қолмоқда, Буни АҚШ маъмурияти ҳеч қачон марталаб айтди. Вашингтонда ва НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг пойтахтларида шу тариқа музокараларга имконияти тобора тўсиб қўйилаётганини, ядро қуролларини даражасини пасайтириш йўлидаги тўғаноқлар тобора ортиб бораётганини тушунадилар, албатта. Совет Иттифоқига, унинг иттифоқчиларига Америкаининг янги ядро ракеталарини жойлаштириб кўйиб, айни вақтда музокараларга даъват қилиш — сиёсий иккиюзламачилик эмасми, ахир?

Мулоқот керакми, музокаралар керакми? Биз кеча ҳам, бугун ҳам шу саволларга ҳеч қачон жавоб берамиз — ҳа, керак. Аммо мулоқот ҳалол, музокаралар жиддий бўлиши лозим. Биз шундай қилишга доим тайёрмиз.

Совет Иттифоқи ядро қуролларини кўп миқдорда ликвидатириш тўғрисидаги таклифларни ўртага қўйди. Бу таклифларнинг рўёбга чиқарилиши ҳеч кимнинг манфаатларига путур етказмаслиги аён бўлур эди. Америка томони музокаралар учун ўзи учун моҳият эътибори бир, ҳам ультиматум тарзидаги шартларни олиб ташлаши биланоқ биз бу масалаларни музокаралар столи атрофида жиддий равишда кўриб чиқишга тарафдормиз. Шу муносабат билан АҚШ ва унинг иттифоқчилари позициясида реал ижобий силжишга совет томони муносиб жавоб берган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ҳарбий қарама-қаршилик даражасини реал равишда пасайтира оладиган, куч ишлатишни ва куч билан дўқ уришни халқаро турмушдан чиқариб ташлай оладиган тадбирларнинг бутун бир комплекси хусусида аҳдномаларга эришишни таклиф қилмоқда. Бу таклифлар маълум.

Масалан, космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш проблемасини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Бу проблеманинг ўткир актуаллигини бутун дунё тан олмоқда. Бизнинг бу проблемани қандай ҳал этиш кераклиги хусусидаги таклифларимиз Вашингтондаги стол устида турибди. Аммо у ердагилар бу проблема билан шуғулланишни хоҳламайдилар, уни ҳатто муҳокама қилишни ҳам хоҳламайдилар. Чамаси, Америка маъмуриятига фақат ўз нафсониятингигина кўзловчи позицияларни ёқади, бу позицияларнинг моҳияти қуролярроғларнинг энг ғаройиб турларига космос эшикларини кенг очиб олишдан ва шу тариқа қандай қилиб бўлмасин ҳарбий устунликни кўлга киритишга уринишдан иборат. Мана шу жуда муҳим соҳада ҳам биз вазмин музокараларга, айниқса, бир битимга келиш йўлларини излашга муносиб интилишга дуч келаётганимиз йўқ. Мулокотнинг фойдаси хусусидаги ҳар қандай гап-сўзлар билан бу фактни ҳиралаштириб бўлмайди.

Биз АҚШга, унинг иттифоқчиларига мурожаат этиб, тинчликнинг тақдири учун масъулиятнинг бир улушини конкрет ишлар билан тасдиқлаш, эҳтиросларни пасайтириш, қуролланиш пойгасига зўр беришнинг беҳуда эканини англаш пайти келди, инсониятнинг келажагини ҳал қилувчи масалаларни ўзаро мақбул тарзда очиш йўлларини топиш учун мулоқотга, музокараларга юзаки эмас, балки ҳақиқий тайёрлик кўрсатиш пайти келди, деб очиқ-ойдин даъват қиляпмиз. Совет Иттифоқи шундай қилишга тўла-тўкис шай бўлиб турибди.

Савол: Лондон кенгашида «халқаро терроризм» тўғрисидаги масаланинг қўйилишини қандай баҳолаш мумкин?

Жавоб: Лондонда бу муаммо телба-тескари қилиб қўйилди. Кандайдир техникавий тафсилотлар ҳақида гап юритилди. Асосий масала ҳақида чуқур этилмади. Улар атайин шундай қилишди.

Бутун дунёнинг кўз ўнгида жинояткорона террорчилик ҳаракатлари қилинмоқда. Бу иш ҳам кичик, ҳам ўртача, ҳам катта миқёсда, ҳам якка-ёлғиз кишилар, ҳам группалар томонидан, баъзан эса айрим давлатлар қуролли кучларининг кенг иштирокида қилинмоқда. Гренадада шундай бўлди. Ливанда шундай бўлди, ҳозир Никарагуада шундай бўлаётир. Бироқ етти давлат раҳбарларининг кенгашида бу.лар ҳақида нечундир оғиз ҳам очилмади. Чамаси, модомики сохтакорлик қиладиган бўлсак, улгуржи қила қолайлик, деб қарор бердилар.

Совет Иттифоқи терроризмнинг ҳар қандай кўринишларини қоралаб келди ва қоралайверади. Шу сабабли биз терроризмни бошқа давлатлар ва халқлар билан иш юритиш усули қилиб олган Қўшма Штатларнинг сиёсатини қатъиян рад этамиз.

Лондон кенгашида бўлганидек, «давлат терроризми»ни амалга ошираётганларга, қандайдир «демократик фазилатлар» ҳақида декларациялар бераётганларга бундай қилиш номуносибдир. Бу — «салб юриши»дан иборат авантюрачилик концепциясининг бошқа бир кўриниши, мафкуравий мухолифликни давлатлараро муносабатлар соҳасига ўтказиш учун қилинган навбатдаги бир уриниш, холос.

Умуман ҳам терроризм, ҳам «демократия» тўғрисида берилган баёнотлар йирик капиталистик давлатларни, шу жумладан Японияни Америка маъмуриятининг урушқоқлик йўлига янада кўпроқ қўшиб олиш максадларига хизмат қилади.

Савол: Лондонда халқаро иқтисодий проблемалар муҳокама қилинганини қандай баҳолаш мумкин?

Жавоб: Бу хусусда узундан узоқ декларация қабул қилинди. Кўп сўз айтилди, аммо умуман капиталистик системага хос бўлган ва ҳозирги вақтда янада кескин тус олган ўткир социал-иқтисодий муаммолар шу сўзларга ғарқ қилиб юборилган. Аввало, ишсизлик, унинг кадрсизланиши ва нархнавонинг ошиши, яъни капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар оммасининг кенг табақаларини шафқатсизларча қақшатаётган ҳамма ҳодисалар мана шу муаммолар жумласига киради. Лондонда шу муаммоларнинг ўткирлигини камайтириш юзасидан ҳеч қандай тузукроқ чора белгиланмади. Дарвоқе, Америкаининг бойлар бойиб бораверсин, камбағаллар камбағаллашаверсин, деган рецепти тиқиштириб турилган бир пайтда уларнинг иложи қанча эди.

Вашингтон ўз шерикларига зўр бериб тазйиқ ўтказиб, ўзининг иқтисодий муаммолари ва қийинчиликларини ўзгалар ҳисобига ҳал этишга интилаётганлиги ҳам сезилиб турибди. Японияниинг савдо-иқтисодий экспансияси ҳам ўзини кўрсатмоқда. Хуллас, империалистлар ўртасидаги зиддиятлар тугуни тобора таранглашиб бормоқда ва бу эса ҳар хил йўллар билан ошкор бўлиб қолмоқда.

Битмас-туганмас интеллектуал ва моддий ресурсларни ўпқондек ютаётган тўймас машина — қуролланиш пойгаси бўлмаса эди, иқтисодий проблемалар юз карра осонроқ ҳал бўлур эди. Аммо худди шу марказий масала етти давлат раҳбарларининг кенгашида эътиборга олинмади.

Ривожланаётган мамлакатларни жуда қаттиқ тўлқинлантираётган муаммолар ҳам орқага суриб қўйилганлиги эътиборни ўзига тортади. Индустриал жиҳатдан ривожланган капиталистик мамлакатлар, аввало АҚШ Африка, Осиё, Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан заиф мамлакатларни шафқатсиз эксплуатация қилаётганлигини умумий характердаги дабдабали баёнотлар яшира олмайди. Келгусида ҳам шу сиёсатни давом эттираверши ниятида эканликлари кўриниб турибди. Шунинг натижаси фақат битта бўлиши мумкин — бой мамлакатлар билан камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовут чуқурлаша бериши, камбағал мамлакатлар эртага бугунгидан ҳам қийинроқ аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Бу ўринда ҳам Вашингтон ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари кучайтираётган қуролланиш пойгаси жуда бевосита таъсир ўтказмоқда.

Дунёнинг ҳамма жойида ҳозир умуман Лондон кенгашида ривожланаётган мамлакатларнинг аҳволини яхшилашга бирон бир тарзда кўмаклашиш мақсади қўйилдими, деган савол берилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида бу саволга очиқ-равшан қилиб салбий жавоб берилмоқда.

Етти капиталистик давлат раҳбарларининг кенгашида содир бўлган воқеалар муносабати билан Совет Иттифоқининг, социалистик мамлакатларнинг позициясини эслатиб ўтиш ўринли бўлур эди. Бу мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатларни одилона, демократик асосда қайта қуриш учун изчиллик билан интилиб келмоқдалар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Москвада олий даражада ўтказилаётган Кенгаши ҳозиргина буни янги куч билан тасдиқлади. Бизнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлидаги тинимсиз ва ҳеч бир муболаға қилмай айтиш мумкинки, зўр ғайрат билан олиб бораётган курашимиз ўзининг бевосита вазифаси — уруш хавфини камайтириш вазифасидан ташқари бўшатиб олинган жуда катта моддий маблағларни халқлар фаровонлигини ошириш мақсадларига, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф эҳтиёжларига, уй-жой қурилишига сарфлашга хизмат қилади. Шу йўл билан бўшатиб олинган маблағнинг анчагина қисми ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига ёрдам тариқасида берилган бўлур эди. Биз бу йўлни икки томонлама муносабатларда ҳам ўтказаяпмиз, биз бу йўлни халқаро анжуманларда, шу жумладан БМТда ҳам қатъий туриб ҳимоя қиляпмиз. Келгусида ҳам биз шу йўлдан бораверамиз.

1. СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ





«Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг кўп минг кишилик коллективи фаолиятида «Коммунистик бригадалар марши»даги «Иш кунлари биз учун байрам» деган сўзлар доимий шиорга айланиб қолган. Бу корхона конвейеридан ҳар кунни планга қўшимча маҳсулотлар туша. ётгани бежиз эмас, албатта. Шу боисдан ҳам тракторсозлар ишга шодиёна кайфиятда келадилар (чапдаги сурат).

Метрополитеннинг «В. И. Ленин номли майдон» станцияси коллективи ишни аниқ ва пухта ташкил этган. Юқоридаги суратда — коммунистик меҳнат зарбдорларидан (чапдан-ўнгга): катта оператор В. Железнова, операторлар А. Сандова, Н. Жоледева, станция бўйича навбатчи И. Захарова, станция бошлиғи Х. Тошмуҳамедова, поездларни жўнатиш бўйича навбатчи А. Ханова, станция бўйича навбатчи Т. Горбунова.

тонгги газеталарда

● 14 июнь куни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши ўз ишини тугатди.

Редакцион комиссия раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих Редакцион комиссиясининг мажлиси тўғрисида ахборот берди.

Кенгашда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш асосий йўналишлари тўғрисидаги Баёнот; Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «Тинчликни сақлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик» Декларацияси ҳужжатлари қабул қилинди.

● КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳукумати 14 июнь куни Кремлда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қатнашчилари шарафига қабул маросими уюштирдилар.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

1984 йил 12—14 июнь кунлари Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Иқтисодий кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков (делегация раҳбари), БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси А. Филипов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БКП Марказий Комитети секретари О. Дойчев, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, БХР Давлат Режалаштириш комитетининг раиси С. Бонев, БКП Марказий Комитети секретари Д. Станишев, БКП Марказий Комитети секретари К. Зарев, БКП Марказий Комитети аъзоси, БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Биринчи секретари Я. Кадар (делегация раҳбари), ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши, ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш, ВСИП Марказий Комитети аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили И. Марьяи, ВСИП Марказий Комитети аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВХР Госплани раиси Л. Фалувеги;

Вьетнам Социалистик Республикасидан — Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан (делегация раҳбари), ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ВСР Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донг, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВКП Марказий Комитети секретари Во Ти Конг, ВКП Марказий Комитети аъзоси, ВСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Чан Куинь, ВКП Марказий Комитетининг аъзоси, ВСРнинг СССРдаги элчиси Динь Ньо Лием;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер (делегация раҳбари), ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Э. Кренц, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ГДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ГДР Давлат план комиссияси раиси Г. Шюрер, ГБСП Марказий Комитети аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ГДРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Г. Вайс, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети Халқаро алоқалар бўлимининг мудири Г. Зибер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДРнинг СССРдаги элчиси Э. Винкельман;

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

КУН ТАРТИБИДА—ҚУРИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугун Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида Тошкент шаҳар партия, совет, касаба союз ва хўжалик активининг йиғилиши бўлади. Йиғилишда «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Капитал қурилишни планлаштириш, уни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Тошкент шаҳри партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳри партия, совет, касаба союз ва хўжалик активининг йиғилиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг якин сонларида бўртилади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича янги корпус фойдаланишга топширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошди.

●

Чехословакия халқининг оташин фарзанди Юлиус Фучикнинг Тошкентдаги музейига туристларнинг навбатдаги группаси меҳмон бўлиб келди. Шу билан музей очилган кундан буён бу ерга марҳамат қилган знёратчиларнинг сони 150 минг кишига етди.


ОБ.ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Шу кеча кундузда ҳаво кам булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—БУТУН ПАРТИЯНИНГ Ҳ

Партия КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида узоқ муддатли аҳамиятга эга бўлган идеология фаолиятининг кенг концепциясини олға сурди. Пленум қарорлари ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни барча йўналишларда такомиллаштиришга қудратли омил бахш этди.

К. У. ЧЕРНЕНКО







2. СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

«Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Г. Дўсматовага тажрибали механик А. Собирхўжаев (чапдаги суратда) касб сирларини ўргатяпти. Ўнгдаги суратда эса «Геологоразведка» тажриба-механика заводининг ёш пайвандловчиси Р. Сафин. У пешқадамлар сафида боряпти.

Бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи ўртасида оммавий-агитация ишларини олиб бораётган агитаторлар етакчиси Х. Валиева (ўртадаги суратда) навбатдаги суҳбат оқшомида тавсиялар бермоқда.

Т. Каримов ва М. Нуриддинов фотолари.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

(Охири. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан пропаганда ва агитациянинг мазмуни меҳнат коллективларининг конкрет ишларига яқинлаштирилди.

Онгли меҳнат ва давлат интизоми учун кураш партия ташкилотлари бутун ишининг бош йўналишларидан биридир. Социалистик меҳнат интизомининг моҳияти ҳар бир киши иш жойида тўла куч-ғайрат сарфлашидадир. Бунда кўп нарса меҳнат коллективларининг ўзларига боғлиқ. Улар меҳнат интизомини бузувчилар билан курашни анча кучайтиришлари мумкин. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни уларга бу борада янги имкониятлар очиб берди. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, саноатда, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳали ҳамон иш вақтини йўқотишлар кўп. Меҳнат ресурсларидан талаб этилганича оқилона ва тўла фойдаланилмаяпти. Кадрлар қўнимсизлиги сингари нуқсондан қутулишга муваффақ бўлинмаяпти.

Шаҳарда прогуллар, кунлик ва сменалараро бўш тўриб қолишлар, маъмурият рухсати билан ишдан сўраб кетиш туфайли иш вақтини йўқотишлар 1984 йилнинг биринчи кварталида 39,3 минг киши-кунни ташкил этди. Саноатда кадрлар қўнимсизлиги коэффициенти—2,9 процентни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси иш унумини оширишга, бутун меҳнат коллективининг иш натижаларига салбий таъсир кўрсатаяпти. Аммо бундай кўринишларга қарши курашда ишчи йиғилишлари, ўртоқлик судларининг ролидан ҳали етарлича фойдаланилаётгани йўқ. Меҳнат интизомини бузишни СССР граждани-нинг ҳалол меҳнат қилишдек конституцион бурчини бажаришдан бўйин товлаши деб баҳоламоқ керак.

Ҳар бир коллектив, раҳбар, мутахассис, ишчи интизомига баҳо бераётганда бош талаб кам моддий ва меҳнат сарфи билан давлат планларини бажариш бўлмоғи керак. Ишга бундай ёндошаётган илғор корхоналардан В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа илғор коллективларни айтиб ўтиш мумкин.

Интизомни мустаҳкамлашдаги муҳим йўналиш — юқори унумли меҳнат учун зарур шарт-шароитни яратиб беришдан иборатдир. Шуни айтиш керакки, шаҳарнинг баъзи корхоналарида ҳамон қўл меҳнатининг ҳиссаси юқори. Айниқса енгил саноат, қурилиш индустрияси корхоналарида, техника ремонти корхоналарида аҳвол шундай.

Ҳозирги шароитларда ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг —директордан тортиб мастергача роли ва масъулияти ошиб боряпти. Партия хўжалик кадрларига баҳо берар экан, фақат ишлаб чиқариш планлари кўрсаткичларини бажаришнигина эмас, балки коллективда интизом савиясини, маънавий-сиёсий иқлимни, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур деб ҳисобламоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқариш вазифаларини тарбиявий вазифалардан ажратиб ҳал қилиш қийин. Ҳар бир раҳбар хўжалик фаолиятининг тарбиявий натижаси учун жавоб бериши керак.

Интизом ва уюшқоқликни янада мустаҳкамлаш ишида социалистик мусобақанинг ва меҳнатга коммунистик ҳарақатнинг тарбиявий имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш лозим.

Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг коллектив формаларини жорий этиш катта социал ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Ҳозир саноат ва қурилишда 130 мингдан зиёд ишчи бригадаларда меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилигида меҳнат унумдорлиги меҳнат индивидуал ташкил этилган жойларга нисбатан анча юқоридир. Бироқ, ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди.

Тарбиявий ва ташкилотчилик ишларининг энг муҳим йўналишларидан бири —хом ашё, материал, ёнилғи, ёқилғи ва электр энергияси сарфини қатъий ҳисобга олиш, талон-тарожликка қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборатдир.

Социалистик шаҳсни тарбиялашни меҳнатга янгича муносабатни шакллантиришдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди.

Экономика партия ва халқ фаолиятининг бош соҳаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг эътиборини туб хўжалик проблемаларига қаратмоқда. Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришни таъминлаш бу проблемаларни ҳал этишга боғлиқдир. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, биз беш йилликнинг шундай масъулиятли марраларига чиқиб олдикки, бунда энди ойлар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Бу қоидалар ва КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми талаблари асосида хўжалик, ташкилотчилик ва идеологик ишларнинг бирлигини таъминлаш юзасидан бутун фаолиятимизни синчиклаб ва ҳар томонлама таҳлил этишимиз, нуқсонларни очиб ташлашимиз, мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида ишимизда нуқсонлар ҳали кўп.

Тажриба шуни кўрсатяптики, партия ўқуви, иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифини ташкил этишда ва айниқса мазмунида баъзан коммунистлар, меҳнаткашлар, ёшларни «жалб этиш»га эътибор қаратиладию, лекин тингловчиларга таълим беришнинг ғоявий савияси ва самарадорлиги тўғрисида етарлича ғамхўрлик кўрсатилмайди. Ўқувдаги юзакилик, сийқалик каби нуқсонларга барҳам берилган эмас.

Иқтисодий таълимни ташкил этиш ва унинг мазмунида ҳамма вақт ҳам унинг амалий йўналишини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти вазифалари билан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни интенсив ривожланиш йўлига кўчириш вазифалари билан, бошқарув ҳамда хўжалик механизмини такомиллаштириш проблемалари билан боғлашни кучайтириш бўйича ҳозирги талаблар ҳамиша ҳам ҳисобга олиняпти, деб бўлмайди.

Раҳбар кадрлар, илмий-техника ва бадиий ижодиятнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувининг форма ва методларини такомиллаштиришда биз етарлича ташаббус ва қатъият кўрсатмадик. Бир қатор район партия комитетларида бу ўқув йилида экономика ва маданиятнинг турли тармоқлари раҳбар кадрлари учун район мактаб ва семинарлари сони қисқартирилди. Тингловчиларнинг, шу жумладан, раҳбар кадрларнинг муайян қисми марксизм-ленинизм классиклари асарларига онда-сонда мурожаат қилмоқда, бадиий адабиёт ўқимайди, театрларга тушмайди, фильмларни онда-сонда кўради.

Марксизм-ленинизм университетида ўқиш борасида ҳам ҳамма нарса силлиқ бораяпти, деб бўлмайди. Кейинги уч йил ичида мингдан зиёд киши ўқишни ташлаб кетган. Раҳбар кадрларнинг учдан бир қисми, Ленин, Октябрь, Чилонзор, Сергели районларида партия комитетлари номенклатурасига кирган раҳбар кадрларнинг 50 процентдан кўпроғи олий сиёсий маълумотга эга бўлмаган бир пайтда шундай бўлган.

Раҳбар кадрларга талаб ошиб бораётганига қарамай, уларнинг кўпчилиги ҳануззгача меҳнаткашлар ўртасида сўзга чиқишмаяпти.

Оммавий-сиёсий ишларни айниқса, турар жойларда ташкил этишда ва унинг мазмунида, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясида муайян нуқсонлар мавжуд. Туб миллат вакиллари ҳисобига ишчи кадрлар ва инженер-техник ходимлар сафини ўстириш борасида партия кўрсатмаларини бажариш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Партия, давлат интизомини бузиш, ошириб ёзиш, кўзбўямачилик, алдаш ҳоллари ва жамиятга зид бошқа кўринишлар раҳбар кадрларнинг муайян қисми ғоявий савияси пастлиги, сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан эса ғўр эканлигидан далолат бериб турибди.

Ҳозирги шароитларда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тушаётган саволларда, худди кўзгудагидек, тингловчиларни тўлқинлантираётган проблемалар, уларнинг истак ва таклифлари акс этиб турибди.

Меҳнат коллективларининг мактаб билан алоқасини мустаҳкамлаш, мактабни ислоҳ қилишда актив иштирок этиш шу кунниг долзарб талабидир. Партия талаби шундайки, тарбиявий иш кишилар фаолиятининг барча жиҳатларини — уларнинг дам олиши, оилавий муносабати соҳасигача қамраб олиши керак. Дам олиш янада сермазмун ва қизиқарли ўтиши, кишининг истеъдодини ривожлантиришга ёрдамлашиши, уларда онгли эҳтиёж маданиятини тарбиялаши керак. Шу нарса муҳимки, ҳар бир киши фақат ишдагина эмас, балки бўш вақтида ҳам ўзига муттасил эътибор берсин. Бу йўналишда бизда муайян тажриба тўпланган. Шаҳарнинг кўпгина маҳаллалари ва микрорайонларида 364 та оммавий-сиёсий иш олиб борадиган жамоатчилик марказлари муваффақиятли ишлаб турибди. Бундай марказлар ва комплекслар аҳолини ўзига жалб этаяпти. Турмушнинг илғор маданиятини изчил жорий этишга муайян даражада ёрдам бермоқда.

Динга ишонувчилар билан иш олиб боришни бўшаштириб бўлмайди. Атеистик тарбиядаги нуқсонлар муайян зарар келтиради. Болалар, ёшлар баъзан диндорлар таъсиридан бўш муҳофаза этилмоқда.

Яқин йилларда оммавий физкультурани умумхалқ физкультурасига айлантириш вазифаси турибди.

Барча ғоявий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда асосий куч — идеология кадрларидир. Тошкент шаҳрида партиянинг оташин сўзини 3 мингдан зиёд докладчилар, 20 мингдан зиёд лекторлар, 45 мингга яқин агитатор ва сиёсий ахборотчилар оммага сингдирмоқдалар.

Партия ташкилотлари, коммунистлар ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг туб проблемаларини, партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг йўл ва методларини кўриб чиқиб, хўжалик ва маданий қурилиш практикасига ленинча иш услубини жорий этиб, партия, совет ва хўжалик органларининг функцияларини белгилаб, Советлар ва бошқа оммавий жамоат ташкилотларининг коммунистик қурилишдаги ролини ошира бориб, сўз ва иш бирлигини таъминлашга эътиборни қаратмоқдалар. Бунда эса идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш эса ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича олдимизда турган барча вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Куба Республикасидан — Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Куба Республикасининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили К. Р. Родригес (делегация раҳбари), Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Куба Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Куба Республикаси Планлаштириш марказий кенгаши раиси У. Перес Гонсалес, Куба Компартияси Марказий Комитети секретариати аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Л. Сото Прието, Куба Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Куба Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Эскивель Недра, Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик давлат комитети раиси Э. Родригес Льомпарт, Куба Республикаси ташқи савдо министри Р. Кабрисас Руис, Куба Компартияси Марказий Комитети экономика бўлими мудири Х. Акоста Сантана;

Монголия Халқ Республикасидан — Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми Раиси Ю. Цеденбал (делегация раҳбари), МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Гомбожав, МХРП Марказий Комитети аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили М. Пэлжэ, МХРП Марказий Комитети аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХР План комиссияси раиси Д. Содном;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский (делегация раҳбари), ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ПБИП Марказий Комитети секретари К. Барчиковски, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ПБИП Марказий Комитети секретари Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ПХР Планлаштириш комиссияси раиси М. Гировода, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ПХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Я. Ободовский;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушеску (делегация раҳбари), РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси, РСР ҳукумати Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг секретари Э. Бобу, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитети секретари И. Стоян, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари, РСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Н. Тоту, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РСР Госпланн раиси Ш. Бирля, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСРнинг СССРдаги элчиси Т. Дудаш;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко (делегация раҳбари), КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Н. В. Тализин;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Г. Гусак (делегация раҳбари), ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукумати Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари М. Якеш, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари И. Ленарт, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, ЧКП Марказий Комитети секретари И. Гаман, Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Ўринбосари, ЧССР Давлат план комиссиясининг раиси С. Потач, ЧКП Марказий Комитети экономика бўлимининг мудири З. Сомрок этдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Сичкин ҳам иштирок этди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко табрик нутқи билан очди.

Кенгашда қарорлар ва ҳужжатлар иқтисодий ташкилотлари ва ҳамкорлигининг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда К. У. Черненко, Т. Живков, Э. Хонекер, К. Р. Родригес, Ю. Цеденбал, В. Ярузельский, Н. Чаушеску, Н. А. Тихонов, Г. Гусак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди. Шунингдек, Кенгашдаги ҳужжатлар: «Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича чуқурлаштирилган иқтисодий йўналишлари тўғрисидаги Баёнот» ва Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Декларацияси ҳақидаги Декларацияси ҳам бор. Улардан маъқулланди, бу ҳужжатлар алоҳида эълон қилинади.

Кенгашда қабул этилган қарорларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш мамлакатларнинг ваколатли органларига ва Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашининг доимий вакиллари Р. Рогличга, Марказий Комитетга, Давлат Комитетига, ССР ҳукуматининг Ўринбосари, ССР Давлат план комиссиясининг раиси С. Потач, ЧКП Марказий Комитети экономика бўлимининг мудири З. Сомрок топширилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. В. Сичкин ҳам иштирок этди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко табрик нутқи билан очди.

Кенгашда қарорлар ва ҳужжатлар иқтисодий ташкилотлари ва ҳамкорлигининг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда К. У. Черненко, Т. Живков, Э. Хонекер, К. Р. Родригес, Ю. Цеденбал, В. Ярузельский, Н. Чаушеску, Н. А. Тихонов, Г. Гусак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди. Шунингдек, Кенгашдаги ҳужжатлар: «Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича чуқурлаштирилган иқтисодий йўналишлари тўғрисидаги Баёнот» ва Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Декларацияси ҳақидаги Декларацияси ҳам бор. Улардан маъқулланди, бу ҳужжатлар алоҳида эълон қилинади.

Кенгашда қабул этилган қарорларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш мамлакатларнинг ваколатли органларига ва Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашининг доимий вакиллари Р. Рогличга, Марказий Комитетга, Давлат Комитетига, ССР ҳукуматининг Ўринбосари, ССР Давлат план комиссиясининг раиси С. Потач, ЧКП Марказий Комитети экономика бўлимининг мудири З. Сомрок топширилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. В. Сичкин ҳам иштирок этди.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

14 июнь куни Тошкентда медикларнинг Бутуниттифоқ конференцияси иш бошлади. Қондан зарарли моддаларни чиқариб ташлашга, шунингдек организмнинг иммунитетига тузатиш киритишга бағишланган бу конференцияда Москва, Ленинград, Киев, Минск, Душанба, Новосибирск, Владивосток, Саратов ва бошқа шаҳарларнинг таниқли олимлари қатнашмоқдалар.

СССР Медицина фанлари академиясининг академиклари — СССР Давлат мукофотларининг лауреати Ю. М. Лопухин, СССР Давлат мукофотининг лауреати Р. В. Петров, конференция бошқа қатнашчиларининг докладлари турли заҳарланишларга қарши курашнинг совет олимлари ишлаб чиққан самарали усулларини жорий қилишга бағишланган. Жумладан, СССР медицина фанлари академиясининг Бутуниттифоқ кардиология маркази ва республика токсикология (заҳарланиш) маркази тузилган. Москвада янги институт ташкил этилмоқда.

● ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИШЧАНЛИК БИЛАН

РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ—ТАРБИЯЛАШ ДЕМАК

Ф. НАЖМИДДИНОВ,
Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари.

—Кўприк темир-бетон конструкциялари заводи раҳбарлари билан ҳар гал учрашганда уларнинг муваффақият қозонишига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, киши. Негаки бу заводда барча ишлар ўз вақтида, аниқ, пухта ҳал этилади.

Мураккаб шароитларда бу корхонада кишилар қандай ишлашаётганини бир неча бор кузатганман. Корхонада меҳнаткашларни руҳлантира билиш, қалбига ўт солиш, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш уларни тобора янги марраларга чорламоқда.

Ёки В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивецни олиб кўрайлик. У бошчилик қилаётган хўжалик ўзининг ишлаб чиқариш муваффақиятлари билан ҳам, меҳнаткашлар маданияти, моддий фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик билан ҳам, ишчиларнинг янги талаблар даражасида ўзгартирди. Ҳозирги замонавий раҳбар ғайрат-шижоатли, сиёсий етук, кишиларга эътиборли, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида ўйлаши, самарали ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интилади. Сиёсий ишлар мактабини ўтаган кишилар ана шундай хислатларни ўзларида камол топтирмоқдалар.

Биз райкомда яна бир хулосага келдик. Хўжаликка бошчилик қилаётган раҳбарлар агар яхши назарий тайёргарликка эга бўлсалар, ишни яхши олиб кета оладилар. Улар партия сўзини оммага сингдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир хўжалик раҳбари, мутахассиснинг сиёсий ва иқтисодий таълим системасидаги мактаб ёки семинарни бошқаришига интиламиз. Улар тез-тез кишилар ҳузурида сўзга чиқадилар. Ҳозир 400 га яқин раҳбар ходим пропагандистлик қиляпти. Ўз навбатида корхоналарнинг барча раҳбарлари район партия-хўжалик активи мактабининг тингловчиларидир.

Кейинги йилларда пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар ўқувининг системаси такомиллашди — ҳар ойда семинарлар ўтказилляпти. Уларда область партия комитетининг лекторлари, шаҳар партия комитетининг ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари сўзга чиқмоқдалар. Ҳозирги вақтда информацион конференциялар, ягона сиёсий кунлар ўтказиш формаларига катта эътибор бериляпти. Бизда ҳам бу формалар анъана бўлиб қолди. Бу формаларнинг афзал томони шундаки, бир вақтнинг ўзида сиёсат, экономика, халқаро аҳвол, маданият, турмуш соҳаларида кўплаб саволларга жавоб бериляпти.

Албатта, бу формалар ўз-ўзидан майдонга келаётгани йўқ. Сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия масалалари район партия комитетида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида атрофлича кўриб чиқиляпти. Жойларда туғилаётган ҳар бир тажриба умумлаштирилятпти. Очиғини айтганда, эскича тасаввурлар қолдиғига, тарбиядаги юзакичиликка барҳам беришга ҳам кўп куч-ғайрат сарфланяпти.

Кейинги вақтларда бир қатор саноат корхоналарининг раҳбарлари бир группа ишчилар билан суҳбатлашиш сингари тарбиявий таъсир формасидан активроқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Бундай учрашувларда фақат ишлаб чиқариш тўғрисидагина эмас, балки оиладаги аҳвол, фарзандларнинг қандай ўқишаётгани ва ишлашаётгани ҳақида ҳам гап боради, Бу эса ишчилар фаолитига катта ёрдам бермоқда.

Партия комитетлари ва бюролари мажлисларида, партия йиғилишларида хўжалик раҳбарининг иш услубини такомиллаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари мунтазам муҳокама этилиб, барларнинг ўз лиятлари, ҳар бир коллектив ишлари тўғрисида ҳисоботлари тингланмоқда.

Раҳбар кадрларнинг ўз ишларидаги масъулиятини ошириш партия комитетлари пленумида кўрилиб этилди.

Хуллас, биз ишнинг қайси томонидан ҳеч қандай четлаб ўтмаслик, аниқ, деб айтишимиз, бирор нарса ҳаммадан барлар ва кутилаётган ларнинг ғоявий биянинг янада ошиши, иштирок этишнинг лик фаолиятини тижаларига кўпроқ таъсир кўрсатиш

ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ИШИ

НАМУНАЛИ ШАҲАР УЧУН

ТУРАР

ЖОЙЛАР БЎЙИЧА

Д. НИЗОМОВА,
Акмал Икромов район партия комитетининг секретари.

Район партия комитети эндиликда 215 минг аҳоли яшаётган районнинг ўзига хос томонини ҳисобга олиб, яшаш жойларида оммавий-сиёсий ишларни ривожлантиришга катта эътибор беряпти.

Ғоявий-тарбия в и й ишларни координация-лаш ва бошқариш мақсадида район партия комитети қошида идеологик комиссия ташкил этилган. Унинг таркибига район партия комитетининг 29 вакили кирган. Комиссия ўзининг бутун ишини истиқбол планини мувофиқ тузади ва бошқарувни ўз секторлари орқали амалга оширади.

Районни намунали қилиш ҳаракатига қўшилган район партия, жамоат ташкилотлари маълум ишларни амалга оширдилар.

Бунга фақат меҳнат коллективларида эмас, балки яшаш жойларида ҳам одамларга ғоявий таъсир кўрсатишни кучайтириш орқали эришилди. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг яшаш жойларида идеология ишларини катта самарадорлик ва натижа билан амалга ошириш учун, иш олиб борадиган кишилар миқдорини аниқлаш учун район партия комитети микроучастка паспорти, идеология ишлари паспортини ишлаб чиқиб, жорий этди. Унга аҳолининг социал характеристикаси, идеология муассасасининг моддий базаси ҳақида маълумот, шунингдек аҳоли билан ишлашда қатнашадиган кишилар ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган. Социал паспорт ҳар бир микроучастканинг ўзига хос томонини ҳисобга олиш имконини беради.

Ушбу паспортлаштиришни ҳисобга олиб район масштабида ҳам, ҳар бир микроучастка миқёсида ҳам ғоявий-тарбиявий ишларнинг ижтимоий комплекс планини тузилди.

Яшаш жойларида тарбиявий ишга раҳбарлик қилиш учун район партия комитети қошида координацион кенгаш тузилди. Партия, совет органларининг, меҳнат коллективларининг, ўқув юртларининг, жамоатчиликнинг ва оиналарнинг одамларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш мақсадида яшаш жойларида микрорайон территориялари 18 та микроучасткага бўлинди. Уларнинг ҳар бирига бош корхона бириктирилди.

Аҳоли ўртасида иш олиб боришни йўлга қўйиш ва ўтказишда микроучастканинг жойлашган барча корхоналар, маданий-оқартув муассасалари, ўқув юртлари қатнашади.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги Давлат махсус бадиий-конструктор л и к технология бюросининг бош корхонаси бўлган, 3-микроучастканинг ишлар яхши ташкил этилган. Бу ерда аҳоли ўртасида лекция пропагандасига катта эътибор берилаяпти. Ягона сиёсий кунлар, оммавий лекциялар, аҳолининг район ва корхона раҳбарлари билан учрашувларини ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Микроучастка территориясида иккита доимий ҳаракатдаги агитпункт бор, бу ерда одамлар зарур тушунтириш ва консультацияларни олишади. Микроучастка кенгаши фаолиятида совет турмуш тарзини пропагандада қилиш ва янги одатлар ва расм-русумларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича халқ университети катта роль ўйнайди. Университет тингловчилари микроучастка агитмайдонларида «Икки дунё — икки идеология», «Диний урф-одатларнинг моҳияти ва пайдо бўлиши», «Намунали шаҳар аҳолисининг ахлоқий принциплари» мавзуларида суҳбатлар ўтказишади.


Кенгаш театр, кинотеатр ва концерт залларига маданий походлар ўтказиб туради.

Оммавий тадбирлар қизиқарли ўтказила бошлангандан сўнг 74-мактаб микроучасткаси обрўйи ўсди. 1-тематик кеча Ғалаба кунига бағишланди. Фронтчиларнинг кўкрагини безаб турган орден ва медаллар уларнинг Москва ва Сталинградни мудофаа қилишда, Берлин ва Прагани озод қилишда кўрсатган жасоратларидан гувоҳлик беради. Уруш қатнашчилари қирқ йил аввалги воқеалар ҳақида ҳикоя қилишди, кимдир уйидан проигриватель олиб чиқди, атрофга эски, ҳамон юракни тўлқинлантирадиган куйлар янгради. Одамлар тонггача тарқашмади. Музика эшитишди, энг сўнггида учрашув қатнашчилари «Улуғ Ватан уруши» фильмини томоша қилишди.

Бундай учрашувларни вақти-вақти билан ўтказиб туриш анъана бўлиб қолди. Очиқ хат кунлари, савол-жавоб кечалари, оғзаки журналлар — булар аҳоли ўртасида амалга оширилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг фақат бир қисмидир. Аҳоли район, район хизматлари раҳбарлари, турли касблардаги мутахассислар, врачлар, юристлар, педагоглар, маъмурий ташкилотларнинг ходимлари билан бажонидил учрашадилар.

Ўтган йили Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан кечалар, лекциялар, концертлар, мунозараларнинг бутун бир туркуми ўтказилди. Ҳозир эса бундай тадбирлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаяпти.

Бу тадбирларни ташкил этишда оталиқ корхоналар активи, жамоатчилик билан бир қаторда район ўқув муассасалари агитколлективлари иштирок этади. Агитаторлар кишиларнинг қизиқишлари ва талабларини ўрганишади, уларга бўлажак учрашувлар ва суҳбатларни маълум қилишади, лекторларнинг, маданият ва фан ходимларининг, мутахассисларнинг консультацияларини ташкил этишади.



3. СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумидан сўнг ўтган бир йил ичида «Средазгидропро е к т» институтида катта ўзгаришлар рўй берди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёни такомиллашмоқда, сиёсий-тарбиявий, оммавий-агитация ишлари кучайтирилди. Институт Урта Осиёдаги энг муҳим гидротехник объектлар қурилишида бевосита иштирок этмоқда.

Институт бўлимларидан бирида энг замонавий электрон аппаратурали ҳисоблаш абонент пунктидан фойдаланилмоқда (юқоридаги суратда). Бу ерда гидроиншоотларни лойиҳалаш ва қуриш учун зарур бўлган кенг миқёсдаги ахборотлар оператив суратда тайёрланади.

Шаҳар турар жойлардан фойдаланиш участкаларида тарбиявий ва оммавий-маданий ишлар активлаштирилди. Ёзги очиқ агитмайдончаларда ишлаб чиқариш илғорлари, партия, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Олимлар, «Билим» жамиятининг аъзолари, врачлар, юристлар, педагоглар бу ерда лекция ўқишяпти. Болаларга тобора катта эътибор қаратилмоқда.





СУРАТЛАРДА: 64-ЖЭУда «Моҳир қўллар» машғулотини Ҳусния Сандмаҳмудова олиб бормоқда; 55 ва 49-ЖЭУларининг тўғарак аъзолари шахмат матчи. А. Жданов ва Р. Альбеков фотолари.

• КОМСОМОЛЛАР ҒАМХЎРЛИГИДА

Ленин васиятларига содиқмиз

Ф. ХАЙРУЛЛАЕВ,
11-«Висотстрой» трестининг комсомол комитети секретари.

— Ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ҳамиша трестимиз партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида бўлиб келди. Трест коллективи план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муттасил бажариб келмоқда. Трестимиз ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларидагина «Москва» меҳмонхонаси, «Главпочтамт», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета корпуси ва бошқа ноёб объектларни фойдаланишга топширди. Бу бинолар шаҳримиз чиройига-чирой қўшиб турибди.

Ишлаб чиқариш программасини бажаришда ёшларимиз катта роль ўйнашмоқда. Улар трестда ишлаётганларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Комсомол комитети шуни яхши тушунадики, ёшларимизнинг сиёсий онглилиги, ғоявий эътиқоди қанчалик юқори бўлса уларнинг ижодий активлиги шунчалик кучаяди, партиямиз қарорларини амалга оширишда янада жонбозлик кўрсатадилар.

Ёшлар билан сиёсий иш олиб боришда оғзаки сиёсий агитация энг актив, таъсирчан восита бўлиб қолди. Сиёсий ахборотчиларнинг катта отряди трест коллективи ўртасида иш олиб боряпти. Уларнинг сафида илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев, комплекс бригада бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери М. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи П. Е. Костенко, катта прораблар А. Юсупов, В. А. Ханенко, қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари А. М. Воробьев, Г. К. Моцаров, бўлим бошлиқлари В. М. Гаспарян, Н. П. Николаева ва бошқалар шулар жумласидандир.

320 ёш ишчи ва инженер-техник ходимдан 311 нафари ўқувнинг турли формаларига жалб этилган. Улар орасида 145 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишаяпти. Трестнинг бевосита қурилиш майдонларида ишчи-ёшлар ўрта мактаби ишлаб турибди.

Ёшлар тарбиясида Улуғ Ватан уруши ветеранлари Совети катта роль ўйнаяпти. У комсомол комитети билан узвий ҳамкорликда иш олиб боришда ғоявий-сиёсий тарбиялаш ҳамиша трестимиз партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида бўлиб келди. Трест коллективи план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муттасил бажариб келмоқда. Трестимиз ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларидагина «Москва» меҳмонхонаси, «Главпочтамт», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета корпуси ва бошқа ноёб объектларни фойдаланишга топширди. Бу бинолар шаҳримиз чиройига-чирой қўшиб турибди.

Ишлаб чиқариш программасини бажаришда ёшларимиз катта роль ўйнашмоқда. Улар трестда ишлаётганларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Комсомол комитети шуни яхши тушунадики, ёшларимизнинг сиёсий онглилиги, ғоявий эътиқоди қанчалик юқори бўлса уларнинг ижодий активлиги шунчалик кучаяди, партиямиз қарорларини амалга оширишда янада жонбозлик кўрсатадилар.

Ёшлар билан сиёсий иш олиб боришда оғзаки сиёсий агитация энг актив, таъсирчан восита бўлиб қолди. Сиёсий ахборотчиларнинг катта отряди трест коллективи ўртасида иш олиб боряпти. Уларнинг сафида илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев, комплекс бригада бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери М. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи П. Е. Костенко, катта прораблар А. Юсупов, В. А. Ханенко, қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари А. М. Воробьев, Г. К. Моцаров, бўлим бошлиқлари В. М. Гаспарян, Н. П. Николаева ва бошқалар шулар жумласидандир.

320 ёш ишчи ва инженер-техник ходимдан 311 нафари ўқувнинг турли формаларига жалб этилган. Улар орасида 145 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишаяпти. Трестнинг бевосита қурилиш майдонларида ишчи-ёшлар ўрта мактаби ишлаб турибди.

Ёшлар тарбиясида Улуғ Ватан уруши ветеранлари Совети катта роль ўйнаяпти. У комсомол комитети билан узвий ҳамкорликда иш олиб боришга ёрдам бермоқда.

• БИЛИМ — КАТТА КУЧ

Партиянинг ишончли ёрдамчилари

Ш. ЎРАЗАЕВ,
«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

— «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ўз сафларига 829 бошланғич ва бошланғич ташкилоти ҳуқуқидаги ташкилотларнинг 21 мингдан ортиқ жамият аъзосини бирлаштирган. Унинг таркибида 10 район ташкилоти ва район ташкилоти ҳуқуқидаги 9 бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда.

Жамият аъзолари орасида таниқли олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари, интеллигенция вакиллари бўлиб, улар юксак сиёсий ва ахлоқий фазилатларга, билим ва маҳоратга эгадирлар. Бу фазилатлар эса лекция ишини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг вазифалари шаҳар ва район ташкилотларининг правлениелари пленумларида, шаҳардаги барча бошланғич ташкилотларда муҳокама этилди. Жамият аъзолари зиммасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йил давомида «Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг правлениеси ва унинг Президиуми тингловчиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида лекция пропагандасини янги сифати ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида аҳамият беряпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Э. Ю. Юсупов, В. П. Шчеглов, В. Қ. Қобулов, И. И. Искандаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Р. Х. Аминова, П. Қ. Ҳабибуллаев, профессорлар Б. В. Лунин, А. Йўлдошев, Ш. Х. Ҳўжаев, А. Н. Михайлов, Ғ. А. Ҳидоятов, А. Т. Азизхонов, С. Афонин, Л. Ҳўжаева ва бошқалар кўп йиллар мобайнида ўзларининг ажойиб лекторлик истеъдодларини намоён этдилар.

Шу билан бирга ҳали ғоявий-назарий савияси паст, етарлича асосланмаган, тингловчиларда ишонч уйғотмайдиган, шунингдек коллектив ҳал этадиган вазифалар ҳисобга олинмаган айрим лекциялар ҳам учраб туради.

Лекция пропагандаси сифатини янада оширишда жамият аъзоларини аттестациядан ўтказиш муҳим роль ўйнайди. Яқинда бошланғич звенодаги лекторларни аттестациядан ўтказиш бораси дастлабки босқич ниҳоясига етди.

Ҳозир район звеносидаги лекторларни аттестациядан ўтказиш бўйича иккинчи босқич бошланган пайтда биз биринчи босқичдаги камчиликларни ҳисобга олишга ва кейингиларини янада юксак савияда ўтказишга ҳаракат қиляпмиз.

Барча бошланғич ва район ташкилотларимизнинг муҳим вазифаси ҳар бир СССР гражданида совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғусини шакллантириш, уларнинг коммунистик идеаллар тантанасига ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

«Билим» жамиятининг ҳар бир аъзоси ўзининг юксак бурчини революцион назария, КПСС ва кўп миллатли Совет давлатининг қаҳрамонлик тарихи, фан ва техника ютуқларининг оташин ва онгли тарғиботчиси бўлишда, партиявий сўз билан меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга илҳомлантиришда, ғоявий эътиқодли, коммунизм учун фидойи курашчи, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг ишончли ёрдамчилари бўлишда деб билмоқдалар.

• МАТБУОТ ВОСИТАСИ БИЛАН

КОЛЛЕКТИВ ТАШКИЛОТЧИ

В. КОМЛЕВ,
кўп нусхали «Тракторостроитель» газетаси редактори.

— Йил бошидан буён КПСС Марказий Комитетининг июнь ва декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини бажаришга бағишланган самимий тематик саҳифа эълон қилинди. Шундай саҳифалардан бирида ишни ташкил этиш ва тартиб-интизом ҳақида фикр юритилади. Мақола авторлари — шестернялар цехи соловойчиси Н. Коржов, механика-йиғув цехи партбюро секретари Д. Третьяков, асбобсозлик цехи бошлиғи В. Чегулин ва ностандарт жиҳозлар цехи комсорги М. Азимов ва бошқалар иш вақтини тежаш, резервларни қидириб топиш, улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида, ишёқмас ва дангасалар тўғрисида сўз юритадилар. Уларнинг чиқишларидаги рақам ва мисолларда аниқ фамилиялар билан тўлдирилган.

Иккинчи бошқа бир саҳифада хом ашё, материаллар, электр энергиясини тежаш тўғрисида фикр юритилса, учинчи саҳифада меҳнат унумдорлигини ошириш резервларига хусусида тажриба алмашилади.

Майдони сонидаги тематик саҳифада етакчи цехларнинг бригадирларига сўз берилди. Улар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва таннархни қўшимча 0,5 процент қисқартириш бўйича қабул қилган мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ўзаро тажриба алмашдилар. Масалан, темирчилик цехининг бригадири Н. Близнецова бригада аъзоларининг малакасини ошириш, ички сменалараро туриб қолишларни қисқартириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишга, ҳар бир смена планини 9—10 процент ошириб бажаришга эришаётганлигини таъкидлайди. Шестернялар цехининг донгдор бригадири Леонид Недорезов бошлиқ коллектив меҳнат унумдорлигини топшириққа қўшимча 1,8 процент оширишга ва маҳсулот таннархини бирмунча арзонлаштиришга аҳд қилди. Бунинг учун мосламалар қайта жойлаштирилди, янги кўп шпинделли станоклар ўрнатилди. Бу эса қўл меҳнатини енгиллаштириш, бир ишчи ўрнини бўшатиш имконини берди. Бригадада материалларни тежаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти. Йил давомида брак маҳсулот тайёрлаш 25 процентга қисқартирилади.

Қарийб ҳар бир номерда мақола ёки туркум материаллар бўлиб, уларда партия қарорларининг бажарилиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Ҳамма материалларда одатдагидек илғор ишчилар ва коллективлар ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириб, булар орқали меҳнат унумдорлигини оширишга эришаётганлик л а р и тўғрисида ҳикоя қилинади. Масалан, «Бригада ишчиларни яқинлаштиради» корреспонденциясида комплекс-узлуксиз бригадаларнинг ташкил этилиши, улар олаётган даромад тўғрисида сўз юритилган. Бу тажрибани прицеплар цехининг Баҳодир Ҳайитбоев бошчилик қилаётган коллективи қўлламоқда.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги», «Экономика тежамли бўлсин», «Металлнинг ҳар бир грамми —тежалсин», «Социалистик мусобақа кундалиги» ва бошқа рубрикалар остида мунтазам равишда материаллар берилиб, уларда корхона экономикаси, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш хусусида фикрлар алмашилади.

Қўлга киритилган ютуқларга қарамай, ишчи газетаси журналистлари доимо олға интилишади. Йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш йўлларини кидирадилар. Бинобарин, илғор коллективлар, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси тўла очиб берилиши, бошқалар учун ўрнак, тажриба мактаби бўлиши учун чуқур ва атрофлича ёритилиши лозим. Биз ҳар бир материалда ана шунга эришишга ҳаракат қилиб, у қизиқарли, ўқимишли бўлишига интилмоқдамиз.

Шунингдек, аниқ рақамлар, фактлар талаб этиладиган иқтисодий обзор материалларида рақамларни санаб ўтмай, цех, бригада иши натижаларини очиқ ва тўғри иқтисодий анализ қилиб, уларни процентларда ифодалаймиз ва ўқимишли бўлишини таъминлаймиз. Ахборотлар ҳам ранг-баранг бўлишига интиламиз. Кўпинча биз кишилар тўғрисида қуруқ, қизиқарсиз ёзамиз. Эндиликда бунга чек қўйиш, меҳнат кишисининг дунёқарашини, унинг қалб гўзаллигини чинакам журналистик маҳорат билан очиб беришга ҳаракат қилиняпти.

Айрим раҳбарлар матбуотнинг ролини яхши тушунмайдилар. Цех, хизмат ва бўлимларнинг раҳбарлари ўз адресига бўлган танқидга вақтида ишчанлик билан жавоб бермайдилар. Масалан, асосий эътиборни қурилиш ташкилотларинишига қаратмоқдамиз. Чунки уларнинг фаолиятлари бугунги кун талаби асосида эмас. Мана шунинг учун ҳам бирлашма реконструкцияси суръати суст боряпти. Шуниси ачинарлики, кўпгина танқидий материаллар жавобсиз қолади. Ўйлаймизки, партия комитети ва корхона раҳбарлари бу ишда бизга кўмаклашадилар.

• ИЛМИЙ ЁНДОШИБ

МУҲИМ ЗВЕНО

Ф. ШАРИПОВ,
Октябрь район партия комитети сиёсий маориф кабинети методик советининг раиси, тарих фанлари доктори.

— Партия ўқуви, иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи янги структураси бу ўқув йилида тингловчиларнинг умумтаълим ва маданий савиясини, уларнинг профессионал ва жамоат фаолиятини, манфаат ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини берди. Машғулотларнинг сифати тубдан яхшиланди, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини ўрганувчи, марксизм-ленинизм назариясини индивидуал план асосида ўрганаётган тингловчилар сони ошди.

Шу билан бирга афсуски, пропаганда ишимизда бу муҳим звенога масъулиятсизлик ва юзакичилик билан ёндошиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Баъзи раҳбар кадрлар — коммунистлар индивидуал программа бўйича ўз билимларини мунтазам ошириб боришга вақт ажратишмаяпти. Автомобиль транспорти, соғлиқни сақлаш министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой»нинг баъзи раҳбар ходимлари билан суҳбатлар шуни кўрсатиб турибдики, улар марксизм-ленинизм классиклари асарларини, КПСС қарорларини ҳозирги талаблар даражасида чуқур ўрганмаганлар.

Баъзи раҳбарлар эса сиёсий докладлар билан онда-сонда чиқмоқдалар, пропагандистик ишларда қатнашмаётирлар. Айрим партия ташкилотлари олиб бораётган пропагандистик ишлар меҳнат коллективлари қабул қилган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлашга, мавжуд резервларни тўлароқ фойдаланишга қаратилмаётир.

Бу ва бошқа камчиликлар чуқур таҳлил этилиб, ҳозирданоқ келгусида бунга йўл қўймаслик тадбирлари кўрилмоқда.

МАКТАБ ҲАЁТИ

ЁШ АВЛОДНИ МЕҲНАТДА ТОБЛАЙЛИК

В. АФАНАСЬЕВА,
5-мактаб директори.

— Бугун мактаб партасида ўтириб билим олаётган ёшлар эртага ким бўлади? Бу савол барча мактабларнинг ўқитувчиларини ҳамиша ўйлантириб келади. Биз тажрибада шунга амин бўлдикки, болалар ёшлигидан бошлаб мустақил ҳаётга тайёр бўлиб боришлари лозим.

Мактабда биринчи кундан бошлаб болаларда ўз ишларини тўғри ташкил этиш, тартиб-интизом, аниқлик, иш ўрнида тартибга риоя қилиш, шахсий ва мактаб мулки, дарсликлар ва ўқув жиҳозларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш фазилатларини шакллантириш лозим.

Бир неча йилдан буён бизнинг мактабимизда 1—3 синф ўқувчиларининг меҳнат тарбияси бўйича кабинет ишлаб турибди.

Г. Карасева, В. Саъдуллаева сингари ўқитувчилар бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат тарбияси бўйича зарур шароитлар яратишга кўп куч-ғайрат сарф этдилар. Бу ерда ранг-баранг стендлар, жиҳозлар туркуми, материаллар, тайёрланадиган буюмларнинг намуналари муҳайё этилган. Ўқувчилар бу кабинетда катта қизиқиш билан машғул бўлишади.

Юқори синф ўқувчилари эса мактаб коридорлари ва кабинетларидаги жорий ремонт ишларини ўзлари бажарадилар. Улар дурадгорлик, сувоқчилик ва бўёқчилик ишларини яхши бажаришади. Бундай меҳнат тарбияси уларда ҳар қандай меҳнат фахрли эканлигига ишонч уйғотади.

Бунда энг аввало ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Масалан, техник меҳнат ўқитувчиси А. Карпушинский ремонт ишларига ўқувчилар билан бирга киришиб кетади. Б. Абдурасулов, В. Шапира ва бошқа кўпгина бўёқчилар ўз вазифаларини аъло даражада бажаришяпти.

Имтиҳонлар тугаши билан юқори синф ўқувчилари меҳнат ва дам олиш лагерларига жўнаб кетишади. Улар эртанги куннинг муҳим вазифаларини бажарадиган ёшлардир.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар ўрганиши бўйича марказ бўлган мактаб устахоналарининг роли йил сайин ошиб бормоқда. Ўқув программаларига фойдали меҳнатнинг киритилиши кўпгина қўшимча ташвишлар туғдираётганига қарамай, уларга ўқитувчилар катта эътибор билан қарашмоқда: буюртмаларни танлаш, материаллар ва жиҳозлар билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни топшириш каби турли ташкилий мураккабликларга қарамай мактабларда бу масалалар аксарият ҳолларда муваффақиятли ҳал этиляпти.

Устахоналарнинг имкониятларини аниқ ҳисобга олган ҳолда биз бу янги ўқув йилида болалар боғчаларининг оддий асбоб-ускуналар бўйича буюртмаларини бажаришга қарор қилдик.

Ёш авлоднинг меҳнатга тайёргарлигини янада такомиллаштириш бўйича бундай муҳим масалани ҳал этиш педагогик коллективлар, халқ маорифи органлари, ишлаб чиқариш базасидан сифатида фойдаланиладиган корхона коллективларининг жиддий куч-ғайрат сафарбар этишларини тақозо этади.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

15 ИЮНЬ, 1984 й.

• *Фан ва техника янгиликлари*

ҲАВО ВА ТЕМИР БЕТОН

Эндиликда таллинлик уйсозлар анча тез ва арзон қураяптилар. Эстония Фанлар академияси кибернетика институти билан қурилиш ва бинокорлик материаллари илмий-тадқиқот институти олимлари изланишларининг натижаси шундай бўлди.

Темир бетоннинг иссиқда анча кенгайиб совуқда қисилиш хусусияти бинонинг бутун бўйига ҳаво коридорлари — температура чоклари қуриш зарурати тақозо этади. Бу нарса анчагина қўшимча бинокорлик материаллари сарфлашни талаб қилади. Хўш, биноларнинг фасадларида шундай чоклар қўйиш шартми? Бу саволга жавоб қайтариш учун қурилиш конструкциялари ичидаги температура зўриқишлари манзарасини билиш зарур. Эстониялик олимлар таклиф этган метод ёрдамида шундай маълумотларни олиш мумкин бўлди. Қурувчилар конструкцияга температура ўзгаришларини дарров сезадиган махсус датчикларни монтаж қилдилар. Тадқиқотчилар ички зўриқишларни ўлчаб чиқиб, деворларда температура чокларини камроқ қолдириш мумкин деган хулосага келдилар. Бинобарин, бинокорлик материаллари ҳам оз кетди.

Бундай тежаш оз бўлиб туйилсада, аммо Таллин уйсозлик комбинати кўламида олганда анча кўп бўлиб чиқди. Қурувчилар температура чоклари ўртасидаги масофани икки баравар кўпайтириб, конструкцияларни монтаж қилиш жараёнини тезлатдилар. Эстония пойтахтининг янги районида битказилган ўнлаб уйларни қуришда олимларнинг тавсиялари назарда тутилди.

(ТАСС мухбири).

Таллин.



Москвадаги М. Горький номли Марказий болалар ва ўсмирлар фильмлари студиясида «Ҳазилга ўрин йўқ» деб номланган янги музикали комедия суратга олинмоқда. Сценарий автори —Александр Марьямов.

Фильмда кишиларнинг бир-бирига саммий муносабатлари, соф дўстлик ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм Москва ва Ялта шаҳарларида суратга олинмоқда.

СУРАТДА: бош қаҳрамон ролида цирк артисти Александр Фриш.

В. Мастюков фотоси.

МЕЛИОРАТОР ШАМОЛ

Шамол Қозоғистон чўлларининг ҳар бир квадрат километридан йилига бир неча минг тонна тузни учиради. Қозоғистон Фанлар академияси тупроқшунослик институти директорининг ўринбосари Ж. Аханов шу тузнинг қандай учиши тўғрисида қуйидагиларни айтди.

— Одам қадимги замонлардаёқ қора ва оқ чанг бўронларига дуч келган. Лекин космик техника пайдо бўлгандан кейингина шу улкан жараёнларни кузатиб бориш имконияти вужудга келди. Космосдан олинган фотосъемка ва ердаги тадқиқотлар шу жараёнлар динамикасини тушуниб етишга ёрдам берди. Чу дарёсини олиб кўрайлик. У Тяньшань этакларидан оқиб тушиб қумликлар ичида ғойиб бўлади. Дарё суви шунчалик кўп туз келтирадики, у водийсалгина шамол эсганда ҳам оппоқ чанг кўтарилаверади. Қаттиқ шамол бўлганида қум зарралари, тупроқ зарралари ҳам қўшилишиб ҳавога кўтарилади. Шу қоришманинг ҳаммаси кўп километр нарига олиб кетилади.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Қозоғистонда 70 миллион гектарга яқин шўр босган тупроқ бор. Хўш, у ерларда деҳқончилик қилса бўладими? Биз ерни чуқур ҳайдаб устидан салгина ёмғирлашни таклиф этдик. Натижада туз ер юзига «кўтарилади». Кейинги ишни эса шамол бажаради.

К. БОРОДИНОВ,
Олмаота.

ТАСС мухбири.

• ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Анъанани бойитиб

Шаҳримиздаги 11-ҳунар-техника билим юртида ёшларга касб сирларини ўргатиш билан бирга уларнинг жисмоний жиҳатдан камол топишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу соҳада маълум анъана пайдо бўлган. Турли тўгаракларда ўтказилаётган жисмоний машғулотлар билим юртининг шуҳратини оширувчи спортчиларни воядга етишига ёрдам бермоқда.

Бунинг учун мисоллар келтирайлик. Классик кураш бўйича хизмат кўрсатган спорт мастери, жаҳон чемпиони Александр Баранов, бокс бўйича республика чемпиони Александр Вергун, Вячеслав Пак, сузиш бўйича республика чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери Динар Журавлёв, волейбол бўйича спорт мастери Наталья Носова сингари ўнлаб таниқли спортчилар дастлабки машғулотларни билим юрти спорт майдонларида ўтказишган эди.

Ҳозирги кунда ўқув юртида 600 дан зиёд йигит ва қиз электр монтажчилик касби сирларини пухта ўрганмоқда. Улар айни пайтда билим юртининг спорт соҳасидаги анъанасини ҳам бойитиб бормоқдалар. Бу йил ўқувчиларнинг деярли 80 проценти ГТО нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Бу ерда ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ спартакиадасига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Волейбол, футбол, стол тенниси, баскетбол, эркин кураш, бокс бўйича ўтказилган билим юрти биринчилигида ўқувчиларнинг малҳоратлари яна бир марта синовдан ўтказилди. Чемпион унвонини қўлга киритганлар шаҳар терма командаси составида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Билим юртида спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни янада бойитиш учун турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«ЖАЛЬГИРИС» (Вильнюс)

БУГУН

«Пахтакор» Марказий стадионида футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган тошкентлик футболчилар Вильнюс шаҳрининг «Жальгирис» командаси футболчилари билан навбатдаги тур учрашувини ўтказишади.

Литванинг энг яхши командаси бўлган «Жальгирис» 1947 йилдан буён мамлакат биринчилигида иштирок этиб келмоқда. 1953 йилда коллектив олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. 1962 йилда эса уни тарк этган. Литвалик футболчиларга яна кучлилар даврасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун 20 йил вақт керак бўлди. Коллектив ўтган йили олий лигада номдор командалар билан тенг беллашиб, фахрли бешинчи ўринни эгаллади. «Ғалабага бўлган ишончи учун» совринини қўлга киритди.

«Пахтакор» вильнюслик футболчилар билан олий лигада икки марта беллашган холос. Ўтган йилнинг баҳорида Тошкентда бўлган учрашувда ҳисоб очилмаган. Вильнюсда ўтказилган жавоб учрашувида эса майдон эгалари 2:0 ҳисобида ғалабага эришганлар. Шундай қилиб, «Жальгирис» пахтакорчилар ҳозирга қадар дарвозасини нишонга ололмаган ягона командадир.



Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ТАШХОЗТОРГ»нинг
5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА»
МАГАЗИНИДА
15—17 ИЮНЬ КУНЛАРИ
ЁРИТИШ АСБОБЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

СИЗ ЖОЗИБАЛИ ҚАНДИЛЛАР ВА ПЛАФОНЛАРНИ, НАФИС ТОРШЕР ВА БРАЛАРНИ, ҚУЛАЙ СТОЛ ЛАМПАЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАМЛАКАТИМИЗ ВА ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИ РАНГБАРАНГ ЁРИТИШ АСБОБЛАРИНИ БУ САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИШДИ:

Польша қандиллари, ГДР торшерлари, ЧССР стол лампалари, Тошкентдаги «Электроприбор» заводида тайёрланган осма чироқлар ва бралар.

«ТАШХОЗТОРГ»нинг 5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» магазини соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус 14 дан 15.00 гача, душанба дам олиш куни.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй (1, 4, 21-троллейбуслар, 65-автобуснинг «Аптека» бекати).

● «УЗХОЗТОРГ» (телефон 96-70-81).



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

Ўқиш муддати барча ихтисосликлар бўйича: 8 синфдан кейин 3 йил, 10 синфдан кейин 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, (тўлиқ маълумот тўғрисида), 8 синфни битирганлар учун 8 синфни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома; характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см.), справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза.

Адрес: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

ТВ

ЖУМА

15 ИЮНЬ

● МТ I

18.20 «Бир умрлик трасса». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «40- ва 50-йиллар тароналари».
20.00 «Кельбажар қариялари».
20.20 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Д. Банионис.
21.30 «Время».
22.05 XIII Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрамидан репортаж.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Рақс оқшомларида». Эстрада кўрсатуви.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Ф. Шопен. «Алла». Данг Тхай Шонг ижро этади (фортепьяно).
19.25—20.30 «Кичкинтой Мукнинг саргузашти». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» туркумидан (ЧССР).
20.45 «Ойдин тунлар хроникаси». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 «ТАЖРИБА УЧУН НАВОИЙГА». Порошокли материалар қўлланишининг самарадорлиги ҳақида.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Черноморец».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета» давом этади».
18.45 «Зангори экран» почтасидан».
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Жальгирис» (Вильнюс). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.20 «Сариқ касаллиги». Медицина фанлари доктори В. М. Жданов сўзи.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15—18.35 «Свема — кеча, бугун, эртага». Телефильм.
19.05 «Хирурглариинг Бутуниттифоқ конференцияси (рус.).
19.30 Реклама.
19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Саломатлик посбонлигида».
20.50 Телефильм.
21.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
21.30 МТ II

ШАНБА

16 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Медицина ходимлари кунига. Ҳужжатли фильмлар.
10.20 «Спортлото»нинг 24-тиражи.
10.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.00 Санъат усталарининг концерти.
11.30 «Бизнинг ўзимизга боғлиқ». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
12.00 Қадимий қўшиқлар ва романслар.
12.25 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.40 «И. Сохадзе куйлайди». Фильм-концерт.
14.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.35 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Кичкинтой Мукнинг саргузашти». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
16.30 Снёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
17.00 И. Гайдн. 101-«Соатлар» симфонияси.
17.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
18.35 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги.
19.20 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. Жуков суҳбати.
19.50 Мультфильмлар.
20.20 «Раснинг тунги». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Золотой Орфей» болгар эстрада қўшиқлари XIX Халқаро фестивали лауреатларининг концерти.
23.05 Акробатика бўйича СССР кубоги.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.35 К. Паустовский. «Хотиралар ва учрашувлар».
10.20 «Тонгги почта».
10.50 «Боғлар ва хнёбоклар».
11.15 «Қувноқ стартлар».
12.00 Ҳужжатли фильмлар.
12.40 К. Вебер. «Оберон» операсига ёзилган увертюра.
12.50 «Кинопанорама».
14.30 АРМАНИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.40 «Саёҳатчилар клуби».
16.40 Болгар опера қўшиқчиларининг концерти.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Халқаро обзор».
17.45 И. Брамс. Скрипка ва оркестр учун ре мажор концерти.
18.30 «Здоровье».
19.15 Теннис. Дэвис кубоги. СССР—Монако терма командалари.
20.00—20.30 «Музикал ринг».
20.50 «Цирк майдонида».
21.30 «Время».
22.05 «Кўш овоз учун кўп» телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Шунчаки ҳаёт...».
11.25 «Ҳовлимиздаги сайёра» (рус.).
11.55 «Кинорежиссура почтаси».
12.40 «Оилавий турнирдан лавҳалар». Бадиий фильм.
14.05 «Ота-оналар университети».
14.35 «Буни ҳамма билиши удалаши керак».
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун «Мўъжизалар олами» (рус.).
19.00 «Давр—менинг тенгдошим». Ёшлар учун программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотларининг 60 йиллигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқ республикалар телевидениеларининг фестивали. Тошкентдаги фестивали. Тошкентдаги телевидениесининг программаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотларининг 60 йиллигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқ республикалар телевидениеларининг фестивали. Тошкентдаги телевидениесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришчилари — сифат».
22.20 «Эртага — премьер» номли кўрсатув.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● 17.50—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Тошкент давлат медицина институтининг ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари ҳамда стоматология факультети коллективи стоматология факультетининг декани профессор, медицина фанлари кандидати, доцент Ғуломжон Ҳасанович Ҳасанов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

meamp

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ОПЕРА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Риголетто**, 16/IV да **Этюд кичик зал (11.00), 17/IV да Отелло кўйи.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ РУС ТЕАТРИДА — 15/IV да **Отелло**, 16/IV да **Отелло**, 17/IV да **Келинлар кўчаси.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сувда цирк» программа циркининг гастроли (19.30 да).

кино

15 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ВАҲИМА» кинотеатрида — **МАЙОР КАРДОШ** — **Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **Ленин номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЎЛИКЛАР СОЯ ТАШЛАМАЙДИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.40, телефон 33-05-02).

«КОМЕТА» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ТИРИКЛАЙИН ЁКИБ ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Хива** (телефон 32-78-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-

«САЛАМАНДРА» — **Восток** (жуфт соатларда), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА ҲУКМ ЭТИЛГАНЛАР ЙИҒИЛИШИН» — **Саҳат** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18, 20.45; кичик зал, 14.30, 19.30).

16 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ВАҲИМА» кинотеатрида — **МАЙОР КАРДОШ** — **Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **Ленин номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЎЛИКЛАР СОЯ ТАШЛАМАЙДИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.40, телефон 33-05-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«КОМЕТА» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 15-75).

«ТИРИКЛАЙИН ЁКИБ ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Хива** (телефон 32-78-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-

«САЛАМАНДРА» — **Восток** (жуфт соатларда), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-

нинг концерти.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Халқаро обзор».
17.45 И. Брамс. Скрипка ва оркестр учун ре мажор концерти.
18.30 «Здоровье».
19.15 Теннис. Дэвис кубоги. СССР—Монако терма командалари.
20.00—20.30 «Музикал ринг».
20.50 «Цирк майдонида».
21.30 «Время».
22.05 «Кўш овоз учун кўп» телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Шунчаки ҳаёт...».
11.25 «Ҳовлимиздаги сайёра» (рус.).
11.55 «Кинорежиссура почтаси».
12.40 «Оилавий турнирдан лавҳалар». Бадиий фильм.
14.05 «Ота-оналар университети».
14.35 «Буни ҳамма билиши удалаши керак».
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун «Мўъжизалар олами» (рус.).
19.00 «Давр—менинг тенгдошим». Ёшлар учун программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотларининг 60 йиллигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқ республикалар телевидениеларининг фестивали. Тошкентдаги телевидениесининг программаси (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотларининг 60 йиллигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқ республикалар телевидениеларининг фестивали. Тошкентдаги телевидениесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришчилари — сифат».
22.20 «Эртага — премьер» номли кўрсатув.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● 17.50—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

15 ИЮНЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—10281. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10